UZTELECOM

# “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”

## Акциядорлик компаниясининг

## 2023 йил учун

# БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент 2022

**Мундарижа:**


| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **“Ўзбектелеком” АКнинг 2023 йилда кўзланган асосий мақсади** | **4** |
| **2.** | **“Ўзбектелеком”АК тўғрисида маълумот** | **6** |
| 2.1. | “Ўзбектелеком”АК ташкил топиши | 6 |
| 2.2. | Компаниянинг реквизитлари, устав жамғармаси ва таркибий тузилмаси | 7 |
| 2.3. | “Ўзбектелеком”АКнинг асосий фаолияти | 9 |
| 2.4. | “Ўзбектелеком” АКнинг халқаро муносабатлари | 10 |
| 2.5. | “Ўзбектелеком”АК бўйича 2022 йилнинг асосий техник ва молиявий кўрсаткичлари | 11 |
| **3.** | **“Ўзбектелеком”АКнинг 2022-2023 йиллардаги ривожланиш стратегияси ва амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар** | **11** |
| 3.1. | “Ўзбектелеком”АК томонидан 2023 йилда телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалари ҳақида маълумот | 11 |
| 3.2. | Кутилаётган хавф хатарлар (риск) ва уларни олдини олиш | 13 |
| **4.** | **Телекоммуникация бозорининг асосий тенденциялари ва муаммоларини баҳолаш** | **14** |
| 4.1. | Телекоммуникация бозорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва трендлар | 14 |
| 4.2. | Режалаштирилган кўрсаткичлар ва уларга эришиш шартлари | 15 |
| 4.3. | Режалаштирилган тадбирлар | 15 |
| 4.4. | Маҳаллий операторлар билан муносабатлар | 17 |
| **5.** | **Компания телекоммуникация тармоғининг техник эсплуатацияси ва моддий ресурслари** | **17** |
| 5.1. | 2023 йилда “Ўзбектелеком”АК телекоммуникация тармоқларини меъёрда сақлаш учун моддий ресурслар базаси | 17 |
| **6.** | **“Ўзбектелеком”АК меҳнат ресурслари** | **18** |
| 6.1. | “Ўзбектелеком”АКда меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги | 28 |
| 6.2. | Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш | 19 |
| **7.** | **Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар** | **20** |

| | | |
|---|---|---|
| 7.1. | “Ўзбектелеком”АКнинг асосий фаолиятидан олинган даромадлари | 20 |
| 7.2. | Харажатлар таркиби | 20 |
| 7.3. | “Ўзбектелеком”АК томонидан Ҳукумат кафолати ва тўғридан-тўғри жалб этилган чет эл кредитлари | 22 |
| | **ИЛОВАЛАР** | |

# 1. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”АКНИНГ 2023 ЙИЛДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАДИ

“Ўзбектелеком” АК (Компания)нинг 2023 йил бизнес-режаси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2022 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармойиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.10.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармойиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори;

“Ўзбектелеком” АКнинг “2020-2030 йиллардаги ривожлантириш стратегияси” асосида ишлаб чиқилди.

Компания охирги йиллар давомида мунтазам равишда телекоммуникация ускуналари ва алоқа магистрал линиялари асосий қисмини модернизациялаштириб, ўз тармоғи технологик имкониятларини жиддий мустаҳкамлаб, овозли ва пакетли коммутация халқаро боғламаларини модернизациялаштириш ва имкониятларини кенгайтириш ишларини амалга ошириб келмоқда. Буларнинг барчаси, сўзсиз Компаниянинг республикада кучли инфратузилмали алоқа оператори мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга имкон бермоқда.

Компаниянинг мазкур 2023 йил бизнес режасида кўзланган мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) телекоммуникация хизматлари бозорининг барча сегментларида етакчи ўринларга чиқиш ва мобил алоқа хизматлари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш, мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари ва бошқалар)нинг телекоммуникация хизматларига бўлган талабларини тўлиқ қондириш ва Компания рақобатбардошлигини ошириш;

2) кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш ва барқарорлигини таъминлаш, янги хизмат кўрсатиш форматини жорий этиш;

3) даромадларнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва соф фойда



миқдорини янада ошириш;

4) аҳолининг Интернет ва мобил хизматларга бўлган талабини қондириш, Интернет хизматлари тезлигини ва сифатини ошириш, нархини камайтириш, ҳалқаро интернет трафигини маҳаллийлаштириш (локализация) чораларини кўриш;

5) Республикада ахборот-коммуникация технологияларни янада ривожлантириш мақсадида маҳаллий операторлар билан самарали ҳамкорликда ишларни ташкил этиш;

6) Компания телекоммуникация тармоғини барқарор ривожлантириш ва янги технологияларни жорий этиш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Компания ўз олдига қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилишини белгилаб қўйган:

- телекоммуникация тармоқларини ва линия кабел хўжалигини техник меъёрга келтириш, телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича дизел генераторлар ва муқобил электр таъминоти қурилмаларини ўрнатиш;

- Компаниянинг тариф сиёсатида янги истеъмолчиларни жалб этиш ва телекоммуникация хизматлардан фойдаланаётган доимий истеъмолчилар билан ўзаро манфаат асосидаги муносабатларни мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиш ва жозибадор тариф сиёсатини жорий этиш;

- Компания экспорт салоҳиятини ошириш йўналиши бўйича хорижий операторлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш, мавжуд халқаро ўтиш нуқталарининг ўтказувчанлик қувватини янада ошириш ва уларни заҳиралаш орқали Ўзбекистон Республикаси орқали ўтадиган халқаро транзит каналлари сони ва ҳажмини ошириш, кирувчи халқаро телефон трафиги ҳажмини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чораларини кўриш ҳамда улар учун белгиланган ҳисоб-таксалар миқдорини қайта кўриб чиқиш орқали даромадларни кўпайтириш мақсад қилиб олинган.



Компаниянинг 2023 йил Бизнес-режасида инобатга олинган вазифалардан келиб чиқиб, асосий кўрсаткичларнинг эришилишида Ҳукумат томонидан белгиланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлаш муҳим омил қилиб олинган.

# 2. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## 2.1. “Ўзбектелеком”АК ташкил топиши

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 июндаги “Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2647-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 253-сон Қарорига асосан “Маҳаллий Телеком” ва “Халқаро Телеком” акциядорлик жамиятларининг қўшилиши натижасида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ташкил топган.

“Ўзбектелеком”АК таркибига кирувчи компанияларни филиаллар сифатида бирлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятларини қайта ташкил қилиш (холдинг тузилмасидан операторлик компаниясига айлантириш). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги “Ўзбектелеком” АК хусусийлаштиришга тайёрлаш чоралари тўғрисидаги” 488-сон қарори билан “UzNet” шўъба корхонаси “UzNet” маълумот узатиш идоралараро тармоқ барча функциялари ва вазифалари “UzNet” филиали сифатида “Ўзбектелеком”АКга бирлаштирилди.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш ва “Ўзбектелеком” АК мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида Кузатув кенгашининг 2003 йил 4 мартдаги қарори билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) ва Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) бевосита иштирокида “Инженер-техник маркази” (ИТМ) ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди (ҳозирда “Телекомуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиали).

Фаолият янги турини ўзлаштириш - CDMA-450 стандартида симсиз радиоуланиш хизмати кўрсатиш мақсадида 2003 йилда “Ўзбектелеком Мобайл” филиали ташкил этилди, унинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси симсиз алоқа умуммиллий тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда компаниянинг “Ўзбектелеком Мобайл” филиали CDMA-450 стандарти асосида республиканинг барча минтақаларида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборот-коммуникацион технологиялари масалалари бўйича Комплекси Қўмита мажлисининг 2004 йил 6 апрелдаги ва “Ўзбектелеком” АКнинг Кузатув кенгашининг 2004 йил 26 майдаги 39-сон қарори билан “Ўзбектелеком” АК “UzNet” филиали “Интал Телеком” филиалига бирлаштирилади. Янги ташкил этилган филиал “UzNet” номи билан аталади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПҚ-149-сон “Маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва

“Ўзбектелеком” АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан UzPAK “Ўзбектелеком” АКнинг “UzNet” филиали (“Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали) билан бирлашиш ҳисобига “Ўзбектелеком” АКнинг филиалига айлантирилди. Ҳозирда “Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали тугатилиб асосий восита ва хизмат кўрсатилаётган мижозлар ҳудудий филиаллар ўртасида тақсимланган.

2011 йилда “Ўзбектелеком”АК томонидан Ребрендинг ўтказилди ва янги UZTELECOM™ бренди ва “Ўзбектелеком” АК суббрендлари — UZMOBILE™ ва UZONLINE™ брендларини кенг миқёсда илгари суриш режалаштирилди, улар “Ўзбектелеком” компанияси ва унинг тузилма бўлинмалари хизматларини илгари суриш ягона комплекс кўргазмали стратегиясини яратишга йўналтирилган.

2015 йил 1 мартдан Компания “ЎзМобайл” филиали томонидан GSM/ CDMA стандартлари асосида мобил алоқа ҳизматларини кўрсатиб келмоқда.

“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2019 йил 8 ноябрдаги 339-сон мажлисида “O’zbektelecom International” МЧЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорига биноан “Ўзбектелеком”нинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, ва Сурхондарё ҳудудий филиаллари таркибида Самарқанд, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳар телекоммуникация боғламалари ташкил этилди.

2020 йил март ойидан бошлаб Компания томонидан кўрсатиладиган барча телекоммуникация хизматлари ягона UZTELECOM™ савдо белгиси остида кўрсатиб келинмоқда.

## 2.2. Компаниянинг реквизитлари, устав жамғармаси ва таркибий тузилмаси.

**Компаниянинг тўлиқ номи**: “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси;

**Таъсис этилган йили**: 2000 йил;

**Лицензиялар:**

1. Маҳаллий телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005657;

2. Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 03.11.2015 йил, №АА 0005718;

3. Халқаро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005659;

4. Маълумотлар узатиш тармоқлари лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005661;

5. Мобил алоқа (уяли) тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 03.11.2015 йил, №АА 0005717;

6. Телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005662.

7. Уй-жой хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш (берилган вақти 31.01.2017 йил №002166)

**Ташкилий – ҳуқуқий шакли:** акциядорлик жамияти;

**Банк реквизитлари:**

Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 97 “А”-уй,

тел: (+99871) 239-23-07,

факс: (+99871) 238-01-88,

E-mail: info@uztelecom.uz,

веб-сайт: www.uztelecom.uz;

**Компания устав жамғармаси**:

Компания Устав фонди 331 556 390 856 (уч юз ўттиз бир миллиард беш юз эллик олти миллион уч юз тўқсон минг саккиз юз эллик олти) сўмни ташкил қилади.

- давлат улуши – 96,57 фоиз ёки 320 172 774 012 (уч юз йигирма миллиард бир юз етмиш икки миллион етти юз етмиш тўрт минг ўн икки сўм) сўм (277 446 078 дона акция);

- бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши – 3,43 фоиз ёки 11 383 616 844 (ўн бир миллиард уч юз саксон уч миллион олти юз ўн олти минг саккиз юз қирқ тўрт) сўм (9 864 486 дона акция).

Компания Устав фонди номинал қиймати 1 154 сўм бўлган умумий 287 310 564 (икки юз саксон етти миллион уч юз ўн минг беш юз олтмиш тўрт) дона ҳужжатсиз акцияларга бўлинган, шундан 277 446 078 (икки юз етмиш етти миллион тўрт юз қирқ олти минг етмиш саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ва 9 864 486 (тўққиз миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг тўрт юз саксон олти) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларни ташкил қилади.

## 2.3. “Ўзбектелеком”АКнинг асосий фаолияти

Компания ўз тармоғи билан республикамизнг барча ҳудудларини қамраб олган Ўзбекистон Республикасида энг йирик телекоммуникация оператори.

Бугунги кунда Компания етакчи миллий оператор эканлигини ҳисобга олиб, бутун республика бўйлаб кенг қамровли ва замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этади.



Компаниянинг асосий мақсади аҳоли, давлат идоралари ва ташкилотларини бутун Ўзбекистон бўйлаб энг замонавий ҳамда сифатли алоқа хизматлари билан таъминлашдир.

Компания аҳоли, бизнес, давлат идоралари, шунингдек Ўзбекистондаги оператор ва провайдерлар учун етакчи рақамли оператор бўлишга интилмоқда.

Хусусан, “Ўзбектелеком” АК тақдим этилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, абонентлар сонини ошириш ва улар учун сифатли юқори тезликдаги интернет хизматини тақдим этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Телекоммуникация тармоқларини модернизация қилишда мис алоқа линияларидан оптик толали алоқа линияларига ўтказилмоқда. Шу жумладан, бутун Ўзбекистон бўйлаб, шу жумладан, чекка ҳудудларда ҳам оптик тьолали алоқа линияларини қуриш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Яратилаётган инфратузилма симсиз технологияларни, хусусан, юқори тезликдаги мобил хизматлар жадал суръатлар билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Компания учун анъанавий йўналишларда рақобатнинг кучайиши ҳамда республикада ҳозирги даврда кучли алоқа оператори мавқесини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш шароитларида Компания янги бозорларни очиш ва инновация сервисларни ривожлантириб бормоқда.

Бугунги кунда Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғи 100 фоизи рақамли ҳисобланади. Компания телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини юқори босқичларга кўтаришга имкон берди, мижозларга янги хизмат турларини тақдим этишни таъминлади ҳамда фойдаланувчилар кенг доирасига Интернет тармоғига юқори тезликда уланишни ташкил этишга имкон берди.

## 2.4. “Ўзбектелеком” АКнинг халқаро муносабатлари

“Ўзбектелеком” АК алоқа операторлари тармоқларига тўғридан-тўғри халқаро чиқишларга эга бўлиб, чет эл операторларига трафик транзити

бўйича халқаро операторлар ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, деярли исталган сиғимда халқаро рақамли каналларни ижарага беради. Электр алоқаси соҳасида Минтақавий ҳамжамият операторлари кенгаши таркибига киради, бошқа қатор халқаро ташкилотларда иштирок этади. Компания халқаро алоқа операторлари билан ўзаро фаолият юритади, халқаро телекоммуникация лойиҳаларида иштирок этади, хорижий операторлар ва телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорлик қилади.



Компаниянинг халқаро чегара олди ўтиш нуқталарини ташкиллаштириш бўйича олиб борган ишлари натижасида Компаниянинг телекоммуникация тармоғи қуйидаги чегара олди давлатлари: Қозоғистон Республикаси, Туркманистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Афғонистон телекоммуникация тармоқлари билан уланиш нуқталарига эга бўлди. Мавжуд халқаро алоқа линияларини кенгайтириш ва янгиларини қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Компаниянинг Германия Федератив Республикаси, Гонконг махсус маъмурий ҳудуди ҳамда Россия Федерацияси ҳудудларида ташкил этилган ўтиш нуқталари орқали телекоммуникация операторлари билан алоқа каналларини ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Компания 15 та давлатнинг 30 дан ортиқ операторлари билан халқаро телефон каналларини ташкиллаштирган, халқаро операторлар билан телефон трафик алмашуви 4 та Халқаро коммутация маркази (ХКМ), Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган интернет провайдерларга халқаро интернет тармоғига уланиш хизматлари Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали амалга оширилмоқда.

## 2.5. “Ўзбектелеком”АК бўйича 2022 йилнинг асосий техник ва молиявий кўрсаткичлари

2022 йилда “Ўзбектелеком”АК нинг телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида амалга оширилган лойиҳалар натижасида тармоқ инфратузилмаси янада кенгайди ва яхшиланди, жумладан:

- оптик толали алоқа линиялари узунлиги 2103,0 км га етқазилди;
- истъмолчиларга юқори тезликдаги маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматини тақдим этиш мақсадида Халқаро пакетли коммутация марказининг қуввати 3 200 Гбит/с. га етказилди;
- магистрал транспорт тармоғининг умумий ўтказувчанлик қобилияти 52 Тбит/с дан оширилди;

- кенг полосали қурилмалар сиғими 4,0 млн. портга етказилиб, шундан xDSL - 849,4 минг, FTTx - 530,5 минг ва GPON - 2 620,1 минг портни ташкил этмоқда;

- аҳоли яшаш масканларини оптик алоқа линиялар билан қамраб олиш даражаси 80 фоиздан ва мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш даражаси 91 фоиздан оширилди;

- маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази қуввати 11,2 Пбайт га етказилди.

## 3. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”АКНИНГ 2023-2026 ЙИЛЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

### 3.1. “Ўзбектелеком”АК томонидан 2023 йилда телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалари ҳақида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4329-сон қарори ва бошқа Ҳукумат қарорларига мувофиқ “Ўзбектелеком” АК томонидан 2023-2026 йиллар мобайнида тармоққа янги технологияларни киритиш, янги хизмат турларини жорий этиш ва даромадларни ошириш, шунингдек, магистрал, мобил тармоғини, зонаичи ва маҳаллий тармоқларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва заҳиралаш бўйича бир қатор аҳамиятли тадбирлар режалаштирилган.

“Ўзбектелеком” АК томонидан 2023-2026 йилларда Инвестиция дастурлари доирасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 597,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган, шундан 2023 йилда 201,3 млн. доллар. Жумладан:

- “Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини (Дата-центр) ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш;

- ““Ўзбектелеком” АК халқаро пакетли коммутация марказларини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;

- ““Ўзбектелеком” АК телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;

- ““Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини шарқий минтақада янада ривожлантириш” лойиҳаси ни амалга ошириш;

- "“Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини ғарбий минтақада янада ривожлантириш” лойиҳаси ни амалга ошириш;

- “Ўзбектелеком” АКнинг оптик толали алоқа линиялирини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш;

- ижтимоий аҳамиятга эга “Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация тармоқларида давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш”, “Туризм зоналарини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш ва Wi-Fi зоналарини ташкил этиш”, Республика ҳудудида “Хавфсиз шаҳар” тизимини жорий этиш, кўп қаватли уйларгача телекоммуникация тармоқларини етказиш каби бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 2023-2026 йилларда:

- Бухоро, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида телекоммуникация инфратузилмасининг умумий сиғими 100 Петабайтдан кам бўлмаган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказлари ташкил этилади;

- ташқи Интернет каналининг ўтказувчанлик қобилияти 4200 Гбит/сга кенгайтирилади;

- “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация транспорт тармоғи тезлиги 52 Тбит/с дан 60 Тбит/с га етказилади;

- шарқий ҳудудларда:

- 645 та объектларда 3G/4G база станцияларини ўрнатилади;

- 1445 та мавжуд 3G/4G стандартидаги объектларни модернизацияланади ва кенгайтирилади;

- 333 та объектларда 5G база станциялари ўрнатилади;

- Тошкент – Сирдарё йўналишидаги темир йўлларида мобил алоқа қамрови яхшиланади;

- 290 та ораликда (пролет) радиореле қурилмаларини ўрнатилади;

- 1 млн. актив абонентга мўлжалланган янги vIMS (VoLTE) тизими ўрнатилади;

- мавжуд 16 та маршрутизаторлар кенгайтирилади, янги 8 та коммутатор, Интернет каналига чиқиш учун янги 2 та 200 Гбит/с тезликка мўлжалланган Firewall қурилмаси ўрнатилади;

- 51 000 дан ортиқ кенг полосали тармоқ портлари ўрнатилади;

- магистрал транспорт тармоғи ва маълумотлар узатиш тармоғи ўтказувчанлик қобилияти кенгайтирилади;

- маълумотларни сақлаш тизими кенгайтирилади;

- IMS тизими кенгайтирилади, шу жумладан: 10 000 та H.248 типидаги (протокол) абонентга мўлжалланган, SIP абонентлар сонини 200 000 гача кенгайтирилади, ҳамда қўшимча SBC қурилмаси билан таъминланади;

- ғарбий ҳудудларда:

- 286 мингдан ортиқ кенг полосали тармоқ портлари қурилади,

- 150 минг фойдаланувчига тенг IPTV/OTT платформаси модернизация қилинади;

- 1 580 та объектларда база станцияларини ўрнатилади;

- 1 771 та мавжуд объектларда база станциялари модернизацияланади ва кенгайтирилади;

- 55 та мавжуд объектларда 5G стандартидаги база станциялари ўрнатилади;

- 760 та оралиқда (пролет) радиореле қурилмалари ўрнатилади;

- 40 тўплам қуёш-дизел муқобил электр станциялари ва 210 та дизел генераторлари ўрнатилади.

Лойиҳаларни Компаниянинг ўз маблағлари, жалб қилинадиган кредит маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилмоқда.

**Мазкур инвестиция лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги мақсадларга эришилади:**

барча турдаги фойдаланувчилар учун юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланиш имконияти яраталади;

олис ва қишлоқ жойларида юқори тезликдаги мобил алоқа қамрови кенгайтирилади;

рақамли ривожлантириш ва интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ҳами ортади ҳамда сифати яхшиланади;

Ўзбекистон Республикасининг соҳа бўйича халқаро индекслардаги кўрсаткичларининг яхшиланишига эришилади.

## 3.2. Кутилаётган хавф хатарлар (риск) ва уларни олдини олиш

Бозор иқтисодиёти шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар турли ноаниқликлар ва хавф хатарларга дуч келгани каби, телекоммуникация хизматлари бозорида ҳам қатор хавф хатарлар мавжуд ва уларни олдини олиш ва корхоналар фаолиятига уларнинг таъсирини имкон қадар камайтириш чораларини кўриш долзарб ҳисобланади.

Телекоммуникация корхоналари фаолиятига сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, қонунчилик асоси, халқнинг ижтимоий-маданий савияси, тармоқларнинг илмий-техник даражаси, табиий, иқтисодий шароит ва бозорнинг ўзига мос таркиби, яъни коньюктураси таъсир кўрсатади.

Компания фаолияти давомида хўжалик хавф хатарларнинг қуйидаги турлари бевосита таъсир қилади:

- ишлаб чиқариш (об-хаво, техник, технологик, тақсимлаш, ташкилий, кутилмагандаги ўлим хавфи, бошқарув ва бошқалар);

- даллолчилик (даромадни тўғридан-тўғри йўқотиш хавфи, бевосита пулни йўқотиш ва мулкий зарар кўриш хавфи, фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиш хавфи ва бошқалар);

- тижорат (маҳсулот езказиб бераолмаслик хавфи, маҳсулотни сота олмаслик хавфи, йўқотиш хавфи ва бошқалар);

- молиявий (кредит, мулкий, суғурта, валютавий, депозит, нархга боғлиқ бўлган ноликвидлилик, иқтисодий, таваккалчилик устамаси ва бошқалар);

- инновацион (ижтимоий, илмий техника тараққиёти натижаларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган таваккалчилик).

“Ўзбектелеком” АК томонидан барча юзага келадиган хавф хатарларни олдини олиш мақсадида 2 та йўналишда тегишли ишлар олиб борилади:

1. Таваккалчилик фаолиятида мавжуд хавф-хатарларни ва унинг натижасида эҳтимолли йўқотишларни олдини олиш учун суғурталаш механизмидан фойдаланилади. Ушбу мақсадлар (бино-иншоотлар, автомототранспорт воситалари, ходимлар суғуртаси ва бошқалар) учун 2023 йилда 3,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағ сарфланиши режалаштирилган.

2. Суғурта қилишни талаб этмайдиган хавф хатарлар борасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

- тижорат фаолиятига доир хавф-хатарлар бўйича молиявий фаолият кўрсаткичлари нисбатини тўғри аниқлаш ва сақлаб бориш, инвестицияларнинг рентабеллигини оширадиган усулларни излаб топиш;

- ресурсларни ноўрин тақсимлаш хавф-хатари бўйича кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ресурсларни тақсимлашда устувор йуналишларни аниқ белгилаб олиш;

- иқтисодий беқарорлик ва талабнинг ўзгариши хавф-хатари бўйича доимий равишда таҳлил ишларини олиб бориш ва бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланган режаларга ўзгартиришлар киритиб бориш;

- молиявий хавф-хатарлар бўйича маблағларни моҳирлик билан ишлатиб бориш, пассив маблағларни фойда келтирадиган лойиҳаларга жойлаш ёки банкларга депозитга қўйиш.

# 4. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ БОЗОРИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ

## 4.1. Телекоммуникация бозорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва трендлар

Бугунги кунда Республикадаги телекоммуникация бозори ўзининг ижобий ва салбий томонлари билан юзага келди, бозор эҳтиёжлари аниқланди, телекоммуникация хизматлари фойдаланувчиларининг истеъмол ҳажми шаклланди. Хусусан, бозорга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Мамлакатдаги интернет истеъмоли кун сайин ортиб бормоқда ва фойдаланувчилар томонидан борган сари кўп трафик сарфланмоқда. Статистика маълумотларига кўра, 2010 йилдан 2021 йилгача Интернет фойдаланувчилари сони 4,9 баробар (5,5 млн.дан 27,2 млн.гача) ошди ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда. Фойдаланувчилар томонидан трафик истеъмолининг кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, ташқи каналнинг кенгайтириш зарурияти муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари халқаро қўнғироқлар фойдаланувчилари қўнғироқларни амалга ошириш учун чет ишлаб чиқарувчиларининг мобил дастурларидан фойдаланмоқдалар, бу эса Интернет канали юкланишининг ортиши ва анъанавий телефония трафигининг пасайиши орқали халқаро қўнғироқлардан даромаднинг камайишига олиб келмоқда.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, хорижий мамлакатларда Интернет трафигини маҳаллийлаштириш 60%дан кам бўлмаган кўрсаткични ушлаб турса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 20%ни ташкил этмоқда, бу эса ўз ўрнида Интернет тармоғига уланиш хизматларининг натижавий нархига салбий таъсир кўрсатади.

## 4.2. Режалаштирилган кўрсаткичлар ва уларга эришиш шартлари

Бизнес-режада 2023 йилда Компаниянинг тўғридан-тўғри тижорат фаолияти орқали даромадларни янада ошириш чораларини кўриш режалаштирилган. Хусусан,

1. Интернет абонентлари сони 1,9 млн.тага, телефон алоқаси абонентлари сонини 1,6 млн. тага, мобил алоқа абонентлари сонини 8,5 млн. тага етказиш мақсад қилиб олинган.
2. Ҳозирги кунда Интернет абонентлари сони 1,5 млн., телефон алоқаси абонентлари сонини 1,5 млн., мобил алоқа абонентлари сонини 6,7 млн.ни ташкил этади.
3. Телекоммуникация бозорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва трендлар.

Бугунги кунда Республикадаги телекоммуникация бозори ўзининг ижобий ва салбий томонлари билан юзага келди, бозор эҳтиёжлари аниқланди, телекоммуникация хизматлари фойдаланувчиларининг истеъмол ҳажми шаклланди. Хусусан, бозорга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

## 4.3. Режалаштирилган тадбирлар

Сўнгги йилларда Компания томонидан амалга оширилаётган реклама тадбирлари Компаниянинг брендлари имиджини ошириш, янги хизмат турлари ва тариф режаларни кенг оммага етказишга йўналтирилган эди.

2020 йилдан бошлаб Республика телекоммуникация хизматлари бозорида Компаниямиз барча спектрдаги телекоммуникация хизматларини ягона савдо белгиси UZTELECOM™ остида кўрсатиб келинмоқда.

Компания хизматларининг B2B бозорларига кириб бориш даражасининг пастлиги, шунингдек бу бозорларнинг катта салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишларда фаолиятни кучайтириш режалаштирилган. Жумладан:

1. B2B сотувларида менеджерлар иштирокини ошириш, уларни жалб қилиш мақсадида сифатли ва юқори даромад келтиришга қаратилган махсус рағбатлантириш дастурини яратиш;

2. Техник тадқиқотлар ва уланишлар бўйича жараёнларни оптималлаштириш масалалари доирасида Компаниянинг ички тартиб-қоидаларини кўриб чиқиш. Жумладан, қисқа муддатларда “охирги мил”ни ташкиллаштириш бўйича прогноз ва кейсларни максимал самарали ҳисоблашга, қатъий “кейс” ёндашувидан келиб чиқиб абонентларни улашни ва уларга техник хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартиришга қаратилган тартиб ва регламентларни ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини амалга ошириш, аксар B2B сегменти абонентларини қамраб олиш имконини беради.

B2C бозори учун мавжуд сотув каналларини кўриб чиқиш кўзда тутилган, шу қаторда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ташқи сотув каналларини яратиш, хусусан қуйидагилар режалаштирилган:

1. B2C бозорида иштирокчилар орасида рақобатнинг юқорилигини ҳисобга олиб, рақобатбардош тариф режалари ва таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

2. Тижоратда менеджерлар иштирокини ошириш, уларни жалб қилиш мақсадида сифатли ва юқори даромад келтиришга қаратилган махсус рағбатлантириш дастурини яратиш.

Шунингдек, айни вақтда бозорда Компаниянинг телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи оператор сифатида абонентларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида қуйидаги чораларни амалга ошириш, хусусан:

1. Абонентларнинг хизмат кўрсатиш сифатидан қониққанлигини аниқлаш мақсадида бозор тадқиқотларини ўтказиш, Компаниянинг заиф томонларини аниқлаш.

2. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, хизмат сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, Компаниянинг заиф томонларини оптималлаштириш ва кучли томонларини қадрият сифатида шакллантириш.

3. Тасдиқланган режага мувофиқ ишларни амалга ошириш ва пост-таҳлил ўтказиш.

Тижорат учун кенг кўламли мақсадларни ҳисобга олган ҳолда, бюджет кўрсаткичларининг жорий ҳисоботини ва мониторингини қайта кўриб

чиқиш керак бўлади, шу ўринда ҳисобот даврида бошқаришнинг мослашувчан қобилияти маълум бир кўрсаткичга йўналтирилган режаларни сифатли бажаришга қаратилган рағбатлантириш тизимини яратиш талаб этилади.

Тижорат учун кенг кўламли мақсадларни ҳисобга олган ҳолда, бюджет кўрсаткичларининг жорий ҳисоботини ва мониторингини қайта кўриб чиқиш керак бўлади, шу ўринда:

1. Абонент базасини ошириш режасининг бажарилиши бўйича ҳафталик мониторинг тизимини жорий қилиш;

2. Башорат қилиш ва тузатишга асосланган режа бажарилишини назорат қилиш механизмини шакллантириш;

3. Ҳисобот даврида бошқаришнинг мослашувчан қобилияти маълум бир кўрсаткичга йўналтирилган режаларни сифатли бажаришга қаратилган рағбатлантириш тизимини яратиш.

### 4.4. Маҳаллий операторлар билан муносабатлар

Компания республикада телекоммуникация хизматларини такдим этувчи мобил алоқа операторлари ва интернет провайдерларга шартномалар асосида хизмат кўрсатмоқда. Уларга интернет тармоғига уланиш, тармоқлараро уланиш (интерконнект), транспорт тармоқларини ижарага бериш, Uz-IX ва Tas-ix тармоқларига уланиш ҳамда бошқа турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этмоқда.

Жумладан, 2022 йилда Ҳалқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) га уланган оператор ва провайдерларга ажратилган тезлик 1 307 102 Мбит/с дан 1 614 600 Мбит/с га етказилиб, 307 498 Мбит/с га оширилди. 2023 йилда эса 1 614 600 Мбит/с дан 2 633 690 Мбит/с етказиш режалаштирилган.

## 5. КОМПАНИЯНИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ ТЕХНИК ЭСПЛУАТАЦИЯСИ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРИ

### 5.1. 2023 йилда Компания телекоммуникация тармоқларини меъёрда сақлаш учун моддий ресурслар базаси

“Ўзбектелеком” АК ўз даромадларини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини янада ошириш мақсадида телекоммуникация тармоқларида линия кабел хўжалигини техник меъёрга келтириш, телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича, қурилмаларга техник сервис хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш, дизел-генератор ва аккумулятор батареялар ўрнатиш, муқобил электр энергия манбаларини ўрнатиб ишга тушириш ва хонадонларгача ОТАЛ қуриш ишлари режага асосан амалга оширилиши белгиланган.

"Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларида станция иншоотларининг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда линия-кабел хўжалигини техник меъёрда сақлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида 2023 йилда:

- маҳаллий телефон тармоғининг линия-кабель хўжаликларини техник меъёрларга келтириш мақсадида 2 400 та ТЖлар, 40 000 та ЯКГ/КРТлар, 3 700,0 км абонент кириш симлари, 3 600,0 км ҳаво алоқа линиялари, 13 500 та телефон қудуқлари, 35 000 та алоқа устунлари, 1 033 та ОТЖлар, 2 700 та FTTx жавонлар, 9 500 та сплиттер қурилмалари ҳамда 1 900,0 км оптик абонент кириш симлари жорий ҳамда профилактика ишларини амалга ошириш;
- кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини янада ошириш, тармоқни ривожлантириш мақсадида умумий узунлиги 80 км ҳар хил сиғимли ТПП алоқа кабеллари, 2000,0 км UTP, 180,0 км П-274 ва 10 км ТРБН ҳамда 60 000 км оптик абонент кабель ва сим маҳсулотлари;
- телекоммуникация тармоғининг алоқа линияларига техник хизмат кўрсатаётган ходимлар учун зарур ўлчов ва техник воситалари жумладан, 500 та иш қуроллари, 250 та Рефлектометр, 500 та оптик пайвандловчи ускуна, 500 та Тестер харид этилиши режалаштирилган;
- телекоммуникация қурилмаларининг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муқобил электр энергия манбаларини ўрнатиб ишга тушириш, ДГА ва аккумулятор батареялари харид қилиниши кўзда тутилган;
- Компания телекоммуникация тармоғида эксплуатация қилинаётган қурилмаларнинг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида қурилмаларга техник сервис хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш учун маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

## 6. "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"АК МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

### 6.1. Компанияда меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги

2023 йилда Компания бўйича ўртача ходимлар сони 17 353 тани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 422 тага кўп режалаштирилган.

Янги технологиялар билан ишловчи малакали мутахассисларни жалб этиш ва ишловчи ходимларни сақлаб қолиш, ходимлар турмуш даражасини мунтазам ошириш мақсадида Компания бўйича иш ҳақи фондининг ўсиш суръати 52 фоиз, 2023 йил якунларига кўра ўртача ойлик иш ҳақи 7 804,7 минг сўмга етказилади, ўсиш суръати 48 фоизни ташкил этади.

## 6.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш

“Ўзбектелеком” АК фаолиятини янада ривожлантириш, унинг истиқболини белгилашда малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, республикамиз ва ҳориждаги жаҳоннинг энг илғор фан ва технологиялари ютуқларини ва замонавий технологияларини жорий қилган етакчи олий таълим муассасалари ҳамда малака ошириш марказлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадбирларни давом эттириш мақсадида, 2023 йилда 7 814 нафар Компания ходимларининг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, 2 610,4 млн сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида - 2 нафар;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида - 21 нафар;
- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида - 1 нафар;
- Ҳорижий ўқув муассасаларида - 8 нафар ходимларни мақсадли тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги қошидаги Фуқаро муҳофазаси институти, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, BePro - дастурчилар ўқув маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш ўқув маркази, Ўзбекистон Республикаси Альпинистлар Федерацияси, Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторларнинг ўқув курси (“АССА ДипИФР”), Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази ҳамда хорижий ва республикамиздаги бошқа малака ошириш ўқув марказларининг қисқа муддатли ўқув курсларида ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, компания ижроия аппарати, филиал ва корхоналарида махсус ўқув дастурлар, турли семинарлар, конференциялар, техник ўқув машғулотлар ўтказилиши ҳамда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг амалий тажрибасини ва малакасини ошириш белгиланган.

# 7. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

## 7.1. Компаниянинг асосий фаолиятидан олинган даромадлари

Компания бўйича 2023 йилда **асосий фаолиятидан 7 993,4 млрд. сўм** миқдорида даромад олиниши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 23 фоизга кўпдир.

Даромадларнинг асосий қисмини мобил алоқа хизмати – жами даромаддаги улуши 37,3 фоиз, экспорт – 20,5 фоиз, маълумот узатиш тармоғи – 32,6 фоиз, каналлар ижараси – 4,2 фоиз, телефон алоқаси хизматлари – 1,9 фоиз, Дата-маркази хизматлари – 0,4 фоиз ва бошқа даромадлар – 3,1 фоиз ташкил этади.

2023 йилда даромадлар ўсишини:

- талаблар янада ошиб бориши ҳисобига маълумотлар узатиш ва интернет (42 фоизга ёки 775,8 млрд. сўмга), мобил алоқа (27 фоизга ёки 627 млрд. сўмга);

- дата маркази (54 фоизга ёки 12 млрд. сўмга) каби инновацион хизматлар ҳажмини ошириш ҳисобига таъминлаш режалаштирилган.

Шунингдек шаҳарлараро телефон алоқаси (29 фоизга ёки 35 млрд. сўмга) ва каналлар ижарасидан (27 фоизга ёки 71 млрд. сўмга) олинадиган даромадлар ўсиши кутилмоқда.

Бундан ташқари 2023 йилда бошқа даромадлар 63,6 млрд. сўмни ташкил этади. Молиявий фаолиятнинг даромадлари (дивидендлар, фоизлар, молиявий лизинг, валюта курс фарқи) 114,6 млрд. сўм миқдорида режалаштирилган.

Натижада **жами даромадлар 8 172 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 17 фоиздир.**

### Харажатлар таркиби

Компания бўйича 2023 йилда **жами харажатлар 8 130 млрд. сўм** миқдорида режалаштирилган, ўсиш суръати 20 фоиз. Шундан:

**Ишлаб чиқариш харажатлари ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ортиқ бўлиб, 5 444 млрд. сўмни**, жумладан:

- импорт хизматлар 1 568 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан 14 фоиз;
- амортизация қиймати 1 482 млрд.сўм, ўсиш суръати 24 фоиз;
- иш ҳақи харажатлари 956 млрд.сўм, ўсиш суръати 51 фоиз;
- материал харажатлар 340 млрд.сўм, ўсиш суръати 68 фоиз;
- Бино, транспорт, ЭХМ, компъютер, қурилмалар таъмирлаш харажатлари 61,2 млрд. сўм, ўсиш суръати 21 фоиз;
- ускуналарга сервис хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминот харажатлари 262,9 млрд. сўм, ўсиш суръати 114 фоиз;
- коммунал хизматлар 85,1 млрд. сўм, ўсиш суръати 21 фоиз;

- иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов 112,9 млрд.сўм, ўсиш суръати 51 фоиз;
- бино ва иноошатлар ижараси 77,8 млрд. сўм, ўсиш суръати 42 фоиз;
- каналлар ижараси 301 млн. сўм, ўсиш суръати 2 фоиз;
- ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари 26,5 млрд. сўм, ўсиш суръати 49 фоиз;
- тармоқлараро уланишлар (интерконнект) 3,3 млрд. сўм, пасайиш суръати 15 фоиз;
- бошқа хара жатлар 468 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

**Давр харажатлари ўтган йилга нисбатан 22 фоизга 1 860 млрд. сўмни,** жумладан:

**Сотиш харажатлари – 559,1 млрд. сўм, ўсиш 28 фоиз; бунда:**
- тўлов тизимлари ва дилерлар бўйича харажатлар 287,4 млрд. сўм, ўсиш 13 фоиз;
- реклама ва маркетинг харажатлари 53,9 млрд. сўм, ўсиш 177 фоиз;
- сотув фаолиятидаги ходимлар иш ҳақи харжатлари 188 млрд. сўм, ўсиш суръати 44 фоиз;
- иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов 22,6 млрд. сўм, ўсиш суръати 44 фоиз;
- материал харажатлар 2,6 млрд.сўм, пасайиш суръати 8 фоиз;
- бошқа харажатлар 4,8 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда

**Маъмурий харажатлар - 505,1 млрд. сўм, ўсиш 43 фоиз; бунда:**
- мобил алоқа абонентлик номеридан фойдаланганлик учун мажбурий тўлов ва бошқа телекоммуникация хизматлари 334,5 млрд. сўм, ўсиш 52 фоиз;
- бошқарув ходимлари иш ҳақи харажатлари 125,5 млрд. сўм, ўсиш суръати 34 фоиз;
- иш ҳақидан мажбурий ижтимоий тўлов 15,1 млрд. сўм, ўсиш суръати 34 фоиз;

**Бошқа харажатлар 796 млрд. сўм. ўсиш суръати 8 фоизни, бунда:**
- ТҚТТ (СОРМ) ва бошқа хомийлик тўловлари 218 млрд. сўм, ўсиш суръати 29 фоиз;
- рағбатлантириш ва компенсация тусидаги тўловлар 334,7 млрд. сўм, ўсиш суръати 36 фоиз;
- солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар 79,4 млрд. сўм, ўсиш суръати 22 фоиз;
- лицензия ва бошқа бож тўловлари 44,6 млрд. сўм, ўсиш суръати 16 фоиз;
- банк харажатлари 8,4 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан 36 фоиз;
- бошқа харажатлар 141,9 млрд. сўм.

**Молиявий харажатлари 826 млрд. сўмни** ташкил этиши режалаштирилган, жумладан:

- валюта курси фарқидан зарарлар 470 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан пасайиш суръати 61 фоиз;
- қисқа ва узоқ муддатли банк кредитлари ва лизинг бўйича фоиз тўловлари 348,2 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан 68 фоиз.

Натижада 2023 йил якуни бўйича соф фойда миқдори **30,5 млрд.** сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

## 7.3 Компания томонидан Ҳукумат кафолати ва тўғридан-тўғри жалб этилган чет эл кредитлари

2023 йилда Ҳорижий валютадаги кредитлар бўйича тўловлар миллий валютада қуйидаги ўртача йиллик курсларда келтирилган: 1EURO=12675,6 сўм, 1USD =11249,8 сўм, 1JPY=97,7 сўм.

OECF кредити – 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш (I босқич) лойиҳасини амалга ошириш учун Япония Ҳукумати томонидан Ривожланишга расмий ёрдам (ОДА) дастури доирасида берилган 12 700 млн. Япония йени миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 655,4 млн. Япония йени (4,72 млн.АҚШ доллари ) миқдорида тўловлар амалга оширилади.

JBIC кредити – 1999 йилда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш (II босқич) лойиҳасини амалга ошириш учун Япониянинг Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси томонидан бериладиган 12 692 млн йен миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 549,2 млн. Япония йени (3,96 млн.АҚШ доллари) миқдоридаги тўловлар амалга оширилади.

SMBC - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 951-сон қарорига мувофиқ, “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” томонидан 1 390,54 млн. яп.йени миқдорида “Магистрал ва мултисервисли маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” магистрал тармоқни оптик каналларни зичлаштириш бўйича кредит олиш кўзда тутилган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 479,2 млн.яп.йени (3,45 млн.АҚШ доллари) миқдорида тўловлар амалга оширилади.

JBIC 2 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 951-сон қарорига мувофиқ, Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япониянинг тижорат банклари кредитига хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари бўйича “Магистрал ва мултисервисли маълумотлар узатиш

тармоқларини кенгайтириш” магистрал тармоқни оптик каналларни зичлаштириш бўйича кредит олиш кўзда тутилган. 7 879.72 млн. яп.йени миқдорида кредит жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 932,3 млн. яп.йени (6.72 млн.АҚШ доллари) миқдорида тўловлар амалга оширилади.

KfW- 1996 йилнинг 27 августида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги орқали “Чирчиқ шаҳридаги телекоммуникация тизимларини мукаммаллаштириш” лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Германия Республикасининг “KfW” банкидан олинган 12,8 млн.евро кредит бўйича 2023 йилда и 0,715 млн.евро (0,74 млн.АҚШ доллари) миқдорида тўловлар амалга оширилади.

Eximbank (Хитой) кредити – 2010 йилда “Ўзбектелеком” АК қишлоқ жойлардаги ахборот коммуникация тизимини ривожлантириш” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун Эксимбанк (ХХР) кредити 10,72 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 0,846 млн. АҚШ доллари миқдорида тўловлар амалга оширилади.

CDB кредити – 2015 йилда “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаси учун Хитой Тараққиёт Банки 100,0 млн.АҚШ доллари миқдоридаги кредит жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 16 млн.долл миқдоридаги тўловлар амалга оширилади.

CDB кредити – 2019 йилда “Ўзбектелеком” АК кенг поласали уланиш тармоғини ривожлантириш ва Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш лойиҳалари учун Хитой Тараққиёт Банки 40 млн.АҚШ доллари миқдоридаги кредит жалб қилинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 11,73 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўловлар амалга оширилади.

Huawei Technologies (Узмобайл 1-лот) товар кредити – 2015 йилда “ЎзМобайл” миллий мобил алоқа операторини ривожлантиришнинг 1 босқичи лойиҳаси учун 118,53 млн. АҚШ долл. миқдорида товар кредити олинган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 2,94 млн.АҚШ долл миқдорида тўлов амалга оширилади.

Huawei Technologies: 2021 йилда “Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси учун 70 млн. АҚШ долл миқдорида товар кредити олинган ва ушбу кредит бўйича 2023 йилда 27,54 млн. АҚШ долл миқдорида тўловлар амалга оширилади.

Huawei: 2022 йилда Credit Suisse AG London branch кредити ҳисобидан “Ўзбектелеком” АКнинг шарқий минтақадаги телекоммуникация

инфратузилмасини янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 200,0 млн. евро. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 9,47 млн. евро миқдорида тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation кредити – 2017 йилда “ЎзМобайл” миллий мобил алоқа операторини ривожлантириш учун “ZTE Corporation” компанияси 86,3 млн. АҚШ долл. миқдорида товар кредити ажратган. Мазкур кредит бўйича 2023 йилда 16,4 млн. АҚШ долл тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation: 2019 йилда FTTX техналогияси бўйича кенг поласали уланиш тармоғини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 15,1 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 2,3 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation: 2019 йилда Республиканинг ғарбий ҳудудларида “ЎзМобайл” кенг поласали уланиш тармоғини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 9,6 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 2,4 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation: 2019 йилда “ЎзМобайл” мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 9,9 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 2,4 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation: 2021 йилда “Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 11,94 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 5,6 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

ZTE Corporation: 2021 йилда Ўзбектелеком” АКнинг ғарбий минтақадаги телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 131,6 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 69,6 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

Искратель: 2021 йилда “Ўзбектелеком” АК Телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан 25 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит олинган бўлиб, 2023 йилда 10,64 млн. АҚШ долл. миқдорида тўлов амалга оширилади.

# ИЛОВАЛАР

## “Ўзбектелеком” АК даромадлари структураси (млн. сўм)

UZTELECOM

| № | Даромадлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| | **ЖАМИ ДАРОМАДЛАР** | **6 966 989** | **8 171 609** | **117%** |
| **I** | **АСОСИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ЖАМИ ДАРОМАДЛАР (Ф-2 шакли 010-сатри)** | **6 498 977** | **7 993 412** | **123%** |
| 1. | Халқаро операторлардан олинган даромад | 1 636 186 | 1 642 394 | **100%** |
| 2. | Каналлар ижараси бўйича даромадлар | 266 883 | 338 275 | **127%** |
| 3. | Телефон алоқаси хизматлари | 118 028 | 152 567 | **129%** |
| 6 | Маълумотлар узатиш ва Интернет хизматларидан олинган даромад | 1 832 752 | 2 608 569 | **142%** |
| 8 | Мобил алоқа хизматлари даромадлари | 2 355 813 | 2 982 573 | **127%** |
| 9 | Дата-центр хизматлари даромадлари | 22 139 | 34 083 | **154%** |
| 10 | Call-марказнинг интеллектуал хизматлари бўйича databaseдмадлар | 16 362 | 24 858 | **152%** |
| 11 | Телеграф хизматлари даромадлари | 457 | 430 | **94%** |
| 12 | Товарларни сотиш даромадлари | 108 209 | 109 459 | **101%** |
| 13 | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (Ф-2 шаклининг 010-сатри) | 142 144 | 100 199 | **70%** |
| **II** | **АСОСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ДАРОМАДЛАРИ (Ф-2 шакли 090-сатри)** | **62 909** | **63 593** | **101%** |
| **III** | **Молиявий фаолият даромадлари** | **405 102** | **114 602** | **28%** |

## “Ўзбектелеком” АК харажатлари таркиби (млн. сўм)

UZTELECOM

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати,% |
|---|---|---|---|---|
| **2.** | **ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР** | **6 749 196** | **8 130 733** | **120%** |
| **2.1.** | **Ишлаб чиқариш харажатлари** | **4 229 009** | **5 444 397** | **129%** |
| **2.2.** | **Давр харажатлари** | **1 525 885** | **1 860 309** | **122%** |
| 2.2.1. | Сотиш харажатлари | 437 356 | 559 132 | 128% |
| 2.2.2. | Маъмурий бошқарув харажатлари | 353 375 | 505 132 | 143% |
| 2.2.3. | Бошқа операцион харажатлар | 735 153 | 796 044 | 108% |
| **2.3.** | **Молиявий фаолият харажатлари** | **994 302** | **826 026** | **83%** |

## “Ўзбектелеком” АК ишчи-ходимлари сони ва иш ҳақи жамғармаси

| Кўрсаткич номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати,% |
|---|---|---|---|
| Иш ҳақи жамғармаси (млн. сўм) | 1 093 290 | 1 589 151 | 145% |
| Ишчи-ходимлар сони | 16 932 | 17 353 | 102% |
| Ўртача ойлик маоши (сўм) | 5 266 458 | 7 473 187 | 142% |

# **“Ўзбектелеком” АК ишлаб чиқариш харажатлари** (млн. сўм)

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **2.1.** | **Ишлаб чиқариш харажатлари** | **4 229 009** | **5 444 397** | **129%** |
| - | Тармоқлараро уланишлар (интерконнект) | 3 856 | 3 285 | **85%** |
| - | Каналлар ижараси | 295 | 301 | **102%** |
| - | Импорт хизматлар | 1 374 931 | 1 568 528 | **114%** |
| - | Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари | 196 089 | 256 629 | **131%** |
| - | Бино ва иншоатлар ижараси | 54 839 | 77 800 | **142%** |
| - | Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари | 17 801 | 26 490 | **149%** |
| - | Коммунал хизматлар | 70 345 | 85 111 | **121%** |
| - | Бино ва иншоатлар, транспорт ва компьютер қурилмалар таъмири | 50 757 | 61 164 | **121%** |
| - | Ускуна ва қурилмалар бўйича техник қўллаб-кувватлаш ва лицензия харажатлари | 122 867 | 262 933 | **214%** |
| - | Автотранспортларни таъмирлаш ва сақлаш | 9 397 | 12 614 | **134%** |
| - | Материал харажатлар | 202 159 | 340 001 | **168%** |
| - | Бошқа харажатлар | 23 989 | 35 558 | **148%** |
| - | Иш ҳақи жамғармаси | 619 961 | 941 057 | **152%** |
| - | Иш ҳақидан Ягона ижтимоий тўлов | 74 837 | 112 927 | **151%** |
| - | Иш хақи бўйича бошқа харажатлар | 13 727 | 15 424 | **112%** |
| - | Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги | 1 172 | 1 256 | **107%** |
| - | Транспорт ва логистика харажатлари | 683 | 974 | **143%** |
| - | Суғурта ва баҳолаш харажатлари | 1 127 | 1 339 | **119%** |
| - | Сафарбарлик харажатлари | 4 824 | 3 664 | **76%** |
| - | Амортизация ажратмалари | 1 194 507 | 1 481 729 | **124%** |
| - | Товарларни сотиш бўйича харажатлар | 190 845 | 155 611 | **82%** |

## “Ўзбектелеком” АК сотиш харажатлари (млн сўм)

UZTELECOM

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **2.2.1.** | **Сотиш харажатлари** | **437 356** | **559 132** | **128%** |
| - | Комиссия тўловлари | 253 598 | 287 391 | 113% |
| - | Реклама ва маркетинг | 30 461 | 53 866 | 177% |
| - | Бино ва иншоатлар, транспорт ва компьютер қурилмалар таъмири | 7 | 35 | 514% |
| - | Иш ҳақи жамғармаси | 130 657 | 187 953 | 144% |
| - | Иш ҳақидан Ягона ижтимоий тўлов | 15 670 | 22 554 | 144% |
| - | Иш ҳақи бўйича бошқа харажатлар | 0,01 | 0,01 | 100% |
| - | Сафарбарлик харажатлари | 442 | 420 | 95% |
| - | Бино ва иншоатлар ижараси | 221 | 245 | 110% |
| - | Материал харажатлар | 2 785 | 2 562 | 92% |
| - | Бошқа харажатлар | 3 516 | 4 105 | 117% |

## “Ўзбектелеком” АК маъмурий бошқарув харажатлари (млн сўм)

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **2.2.2.** | **Маъмурий бошқарув харажатлари** | **353 375** | **505 132** | **143%** |
| - | Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари | 4 160 | 5 332 | 128% |
| - | Иш ҳақи жамғармаси | 93 795 | 125 457 | 134% |
| - | Иш ҳақидан Ягона ижтимоий тўлов | 11 238 | 15 055 | 134% |
| - | Иш ҳақи бўйича бошқа харажатлар | 0 | 0 | 107% |
| - | Бино ва иншоатлар ижараси | 243 | 302 | 124% |
| - | Коммунал хизматлар | 1 745 | 2 047 | 117% |
| - | Автотранспортларни таъмирлаш ва сақлаш | 1 344 | 1 773 | 132% |
| - | Бино ва иншоатлар, транспорт ва компьютер қурилмалар таъмири | 157 | 140 | 89% |
| - | Алоқа ва телекоммуникация хизматлари | 219 602 | 334 457 | 152% |
| - | Суғурта ва баҳолаш харажатлари | 1 140 | 966 | 85% |
| - | Материал харажатлар | 1 230 | 1 368 | 111% |
| - | Ускуна ва қурилмалар бўйича техник-қўллаб қувватлаш ва лицензия харажатлари | 2 220 | 2 418 | 109% |
| - | Сафарбарлик харажатлари | 1 305 | 1 024 | 78% |
| - | Бошқа харажатлар | 858 | 1 130 | 132% |
| - | Вакиллик харажатлари | 1 512 | 602 | 40% |
| - | Амортизация ажратмалари | 12 826 | 13 062 | 102% |

## “Ўзбектелеком” АК бошқа операцион харажатлари (млн сўм)

UZTELECOM

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **2.2.3.** | **Бошқа операцион харажатлар** | **735 154** | **796 044** | **108%** |
| - | Банк харажатлар | 6 128 | 8 364 | 136% |
| - | Иш ҳақи жамғармаси | 248 539 | 334 684 | 135% |
| - | Иш ҳақи бўйича бошқа харажатлар | 44 720 | 35 211 | 79% |
| - | Ахборот ва консультация хизматлари | 12 152 | 32 813 | 270% |
| - | Ижтимоий-маданий тадбирлар | 11 673 | 13 487 | 116% |
| - | Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар | 64 850 | 79 427 | 122% |
| - | Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари | 6 338 | 2 264 | 36% |
| - | Суғурта ва баҳолаш харажатлари | 1 086 | 911 | 84% |
| - | Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги | 2 710 | 3 656 | 135% |
| - | Материал харажатлар | 4 124 | 5 805 | 141% |
| - | Бошқа харажатлар | 7 482 | 9 560 | 128% |
| - | Ускуна ва қурилмалар бўйича техник-қўллаб қувватлаш ва лицензия харажатлари | 38 352 | 44 637 | 116% |
| - | Хомийлик тўловлари | 168 821 | 218 580 | 129% |
| - | Амортизация ажратмалари | 166 | 166 | 100% |
| - | Асосий восита ва бошқа активларни ҳисобдан чиқариш бўйича зарарлар | 112 927 | 412 | 0% |
| - | Ёрдамчи хўжаликлар харажатлари | 5 086 | 6 069 | 119% |

## “Ўзбектелеком” АК молиявий фаолият харажатлари (млн сўм)

| № | Харажатлар номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **2.3.** | **Молиявий фаолият харажатлари** | **994 302** | **826 027** | **83%** |
| - | Фоиз тўловлари бўйича харажатлар | 197 413 | 338 201 | 171% |
| - | Узоқ муддатли ижара (лизинг) фоиз тўловлари бўйича харажатлар | 9 873 | 10 026 | 102% |
| - | Валюта курси фарқи бўйича зарарлар | 770 338 | 470 003 | 61% |
| - | Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари | 16 676 | 7 795 | 47% |

# “Ўзбектелеком” АК молиявий натижалари (млн сўм)

| № | Кўрсаткич номи | 2022 йил амалда | 2023 йил учун режа | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|
| **10** | **Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум** | **6 498 977** | **7 993 412** | 123% |
| **20** | **Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи** | **4 229 009** | **5 444 398** | 129% |
| **30** | **Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)** | **2 269 968** | **2 549 015** | **112%** |
| **40** | **Давр харажатлари, жами** | **1 525 885** | **1 860 309** | **122%** |
| 50 | Сотиш харажатлари | 437 356 | 559 132 | 128% |
| 60 | Маъмурий харажатлар | 353 375 | 505 132 | 143% |
| 70 | Бошқа операцион харажатлар | 735 154 | 796 044 | 108% |
| 90 | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 62 909 | 63 594 | 101% |
| **100** | **Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)** | **806 992** | **752 299** | **93%** |
| **110** | **Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами** | **404 637** | **114 603** | **28%** |
| 120 | Дивидендлар шаклидаги даромадлар | 3 199 | 1 279 | 40% |
| 130 | Фоизлар шаклидаги даромадлар | 175 | 187 | 107% |
| 150 | Валюта курси фарқидан даромадлар | 401 254 | 113 137 | 28% |
| 160 | Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 8 | 0 | 0% |
| **170** | **Молиявий фаолият бўйича харажатлар** | **994 302** | **826 027** | **83%** |
| 180 | Фоизлар шаклидаги харажатлар | 197 413 | 338 202 | 171% |
| 190 | Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар | 9 873 | 10 027 | 102% |
| 200 | Валюта курси фарқидан зарарлар | 770 339 | 470 003 | 61% |
| 210 | Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар | 16 677 | 7 795 | 47% |
| **220** | **Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)** | **217 327** | **40 875** | **19%** |
| **240** | **Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)** | **217 327** | **40 875** | **0%** |
| 250 | Даромад (фойда) солиғи | 88 799 | 10 388 | 12% |
| 260 | Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар | 0 | 0 | |
| **270** | **Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)** | **128 528** | **30 487** | **24%** |

# "Ўзбектелеком" АК кредит мажбуриятлари тўғрисида маълумот

| № | Кредитор | Шартнома рақами/муддати | тўлов тури | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | 2026 | 2027 | 2028 | 2029 | 2030 | 2031 | 2032 | 2023-2032 жами тўловлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Хорижий валютадаги кредитлар | | | асосий қарз | 109 789 355 | 163 391 291 | 129 259 954 | 40 947 247 | 17 676 631 | 10 464 367 | 10 464 367 | 10 464 367 | 10 470 692 | 6 656 823 | 712 630 | 713 778 | 237 830 858 |
| | | | % | 10 598 946 | 14 060 012 | 9 684 473 | 2 685 863 | 1 586 978 | 1 083 949 | 843 476 | 610 838 | 358 912 | 141 495 | 23 164 | 8 921 | 17 028 068 |
| | | | жами | 120 388 300 | 177 451 303 | 138 944 427 | 43 633 110 | 19 263 609 | 11 548 316 | 11 307 844 | 11 075 205 | 10 829 604 | 6 798 318 | 735 794 | 722 699 | 254 858 926 |
| | China Development Bank (CDB $100 млн.) | Дог. № Соглашение от 19.08.2014 г. | асосий қарз | 15 384 615 | 15 384 615 | 15 384 615 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 15 384 615 |
| | | тўлов даври: 25 март, 25 сентябрь | % | 1 775 073 | 1 254 676 | 614 872 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 614 872 |
| | | кредит муддати - сентябрь, 2023 | жами | 17 159 688 | 16 639 292 | 15 999 488 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 15 999 488 |
| | Миллий Банк (NBU) | Жами | асосий қарз | 16 960 370 | 20 164 581 | 19 732 777 | 16 392 689 | 11 392 689 | 6 392 689 | 6 392 689 | 6 392 689 | 6 392 689 | 6 035 343 | - | - | 79 124 255 |
| | Давлат кафолати остида олинган (4 та шартнома) | | % | 4 110 433 | 3 064 135 | 3 014 828 | 1 988 953 | 1 061 871 | 716 199 | 563 267 | 417 748 | 253 783 | 105 216 | - | - | 8 121 865 |
| | | | жами | 21 070 803 | 23 228 716 | 22 747 605 | 18 381 643 | 12 454 560 | 7 108 888 | 6 955 956 | 6 810 438 | 6 646 472 | 6 140 559 | - | - | 87 246 121 |
| | Overseas Economic Cooperation Fund (OECF) | №UZB-P1 от 14.06.1995 г. | асосий қарз | 5 445 968 | 4 477 037 | 4 424 526 | 4 424 526 | 2 212 263 | - | - | - | - | - | - | - | 11 061 316 |
| | Давлат кафолати остида олинган | тўлов даври: 20 июнь, 20 декабрь | % | 695 013 | 436 567 | 298 565 | 50 549 | 5 455 | - | - | - | - | - | - | - | 354 568 |
| | | кредит муддати - июнь, 2025 | жами | 6 140 981 | 4 913 605 | 4 723 091 | 4 475 075 | 2 217 718 | - | - | - | - | - | - | - | 11 415 884 |
| | Japan Bank for International Cooperation (JBIC) | №UZB-P4 от 1999 г. | асосий қарз | 4 246 708 | 3 491 146 | 3 450 198 | 3 450 198 | 3 450 198 | 3 450 198 | 3 450 198 | 3 450 198 | 3 456 523 | - | - | - | 24 157 713 |
| | Давлат кафолати остида олинган | 20 июнь, 20 декабрь | % | 808 805 | 589 184 | 507 084 | 433 209 | 357 994 | 281 752 | 206 641 | 131 942 | 56 419 | - | - | - | 1 975 042 |
| | | кредит муддати - декабрь, 2029 | жами | 5 055 513 | 4 080 330 | 3 957 283 | 3 883 407 | 3 808 193 | 3 731 950 | 3 656 839 | 3 582 141 | 3 512 942 | - | - | - | 26 132 755 |
| | KfW Development Bank (KfW) | Дог.б/н от 27.08.1996 | асосий қарз | 593 662 | 529 325 | 517 900 | 517 900 | 621 480 | 621 480 | 621 480 | 621 480 | 621 480 | 621 480 | 712 630 | 713 778 | 6 191 088 |
| | Давлат кафолати остида олинган | тўлов даври: 28 фев, 31 май, 31 авг, 30 но | % | 280 042 | 239 089 | 223 503 | 213 152 | 161 659 | 85 998 | 73 568 | 61 147 | 48 709 | 36 279 | 23 164 | 8 921 | 936 100 |
| | | кредит муддати - ноябрь, 2032 | жами | 873 704 | 768 414 | 741 403 | 731 052 | 783 138 | 707 478 | 695 048 | 682 627 | 670 189 | 657 759 | 735 794 | 722 699 | 7 127 188 |
| | Huawei Technologies Co., Ltd. | Жами | асосий қарз | 49 560 833 | 68 666 250 | 29 398 752 | 9 180 000 | - | - | - | - | - | - | - | - | 38 578 752 |
| | | | % | 49 130 | 4 139 680 | 1 083 102 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 083 102 |
| | | | жами | 49 609 964 | 72 805 930 | 30 481 854 | 9 180 000 | - | - | - | - | - | - | - | - | 39 661 854 |
| | ZTE Corporation | Жами | асосий қарз | 14 417 196 | 44 483 336 | 26 807 950 | 2 820 169 | - | - | - | - | - | - | - | - | 29 628 118 |
| | | | % | 2 492 049 | 2 492 049 | 2 492 049 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 492 049 |
| | | | жами | 16 909 245 | 46 975 385 | 29 299 998 | 2 820 169 | - | - | - | - | - | - | - | - | 32 120 167 |
| | Iskratel LLC | Дог№ A22-DE-20-54588 | асосий қарз | - | 5 200 000 | 10 638 235 | 4 161 765 | - | - | - | - | - | - | - | - | 14 800 000 |
| | | тўлов даври: ежемесячно | % | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | | кредит муддати - июнь, 2024 | жами | - | 5 200 000 | 10 638 235 | 4 161 765 | - | - | - | - | - | - | - | - | 14 800 000 |
| | АЛОКА БАНК (валюта) | Дог№ WCUI-35 МЦПК | асосий қарз | - | 995 000 | 18 905 000 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 18 905 000 |
| | | тўлов даври: ежемесячные | % | 388 402 | 1 844 632 | 1 450 470 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 450 470 |
| | | кредит муддати - май, 2023 | жами | 388 402 | 2 839 632 | 20 355 470 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 20 355 470 |
| Миллий валютадаги кредитлар | | Жами | асосий қарз | 25 351 467 | 24 022 234 | 4 003 425 | 9 529 559 | 15 037 970 | 14 876 795 | 4 983 726 | - | - | - | - | - | 48 431 476 |
| | | | % | 6 862 383 | 8 093 612 | 6 573 624 | 6 151 247 | 4 076 744 | 1 806 401 | 187 961 | - | - | - | - | - | 18 795 977 |
| | | | жами | 32 213 850 | 32 115 846 | 10 577 049 | 15 680 806 | 19 114 714 | 16 683 196 | 5 171 687 | - | - | - | - | - | 67 227 453 |
| 25 | АЛОКА БАНК АТБ | Итого (сумовой) | асосий қарз | 10 399 289 | 10 205 047 | 3 719 199 | 9 297 997 | 14 876 795 | 14 876 795 | 4 983 726 | - | - | - | - | - | 47 754 511 |
| | | тўлов даври: ежемесячные | % | 4 934 662 | 7 068 394 | 6 427 244 | 6 073 961 | 4 059 604 | 1 806 401 | 187 961 | - | - | - | - | - | 18 555 171 |
| | | кредит муддати - декабрь, 2025 | жами | 15 333 951 | 17 273 442 | 10 146 443 | 15 371 957 | 18 936 399 | 16 683 196 | 5 171 687 | - | - | - | - | - | 66 309 682 |
| 26 | НАНО ЛИЗИНГ МЧЖ | Итого | асосий қарз | 14 952 179 | 13 817 187 | 284 226 | 231 563 | 161 175 | - | - | - | - | - | - | - | 676 964 |
| | | тўлов даври: ежемесячные | % | 1 927 720 | 1 025 218 | 146 380 | 77 286 | 17 140 | - | - | - | - | - | - | - | 240 806 |
| | | кредит муддати - январь, 2024 | жами | 16 879 899 | 14 842 405 | 430 606 | 308 849 | 178 316 | - | - | - | - | - | - | - | 917 770 |
| Жами | | | асосий қарз | 135 140 822 | 187 413 525 | 133 263 379 | 50 476 806 | 32 714 601 | 25 341 162 | 15 448 094 | 10 464 367 | 10 470 692 | 6 656 823 | 712 630 | 713 778 | 286 262 334 |
| | | | % | 17 461 328 | 22 153 625 | 16 258 096 | 8 837 110 | 5 663 722 | 2 890 350 | 1 031 437 | 610 838 | 358 912 | 141 495 | 23 164 | 8 921 | 35 824 045 |
| | | | жами | 152 602 150 | 209 567 150 | 149 521 476 | 59 313 916 | 38 378 324 | 28 231 512 | 16 479 531 | 11 075 205 | 10 829 604 | 6 798 318 | 735 794 | 722 699 | 322 086 379 |